


МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ ЧИН НАБИРАСИ



"ТУРКИСТОН" МАХСУС МУХБИРЛАРИ КОИНОТНИ ЗАБТ ЭТГАН ЎЗБЕК ЎГЛОНИ СОЛИЖОН ШАРИПОВ ТАВАЛЛУД ТОПГАН ЗАМИНДАН ҲИКОЯ ҚИЛАДИЛАР

Ф
А
З
О
Г
И
Р
Н
И
Н
Г
С
А
Ф
Д
О
Ш
Л
А
Р
И



ЎЗБЕК ФАЗОГИРИ, ПОДПОЛКОВНИК СОЛИЖОН ШАРИПОВ

1964 йил 24 августда Ўзган шаҳрида оддий ўзбек оиласида таваллуд топган. Армия сафида авиация қисмида хизмат қилган. Харьков учувчилар олий билим юртида ўқиган. Замонавий, овоздан тез учар, турли қирувчи самолётларни бошқарган.

1990 йилда фазогирлар сафига қабул қилинган. 1992 йилдан фазогирлар тайёрлаш маркази аъзоси.

1998 йил 22 январь куни соат 21.50 да Американинг Флорида штатидаги Канаверал космодромидан "Индевар" космик кемасида Америка-Россия халқаро экипажи сафида фазога парвоз қилди. Солижон Шарипов Ўзбекистон давлатининг байроғини ҳам космосга олиб чиқди.

Матбуот хабарларига кўра Ю.Гагарин номидаги космонавтлар тайёрлаш маркази бошлигининг биринчи ўринбосари, генерал-майор Юрий Глазков подполковник С.Шарипов ҳақида шундай дебди: -- Солижон Шариповдан умидимиз катта. У фазодан қайтиб, бир оз дам олгач, халқаро "Альфа" орбитал станциясида узок муддатли парвозга отланади. Миллионлаб ёшларимизнинг фахрига, меҳру муҳаббатига сазовор бўлаётган Солижонга омадлар ёр бўлсин.

ЎЗБЕК ҒУРУРИ

Қиш тўшаган оппоқ пояндоз узра елиб бораётган машина манзил томон ошиқади. Тизгинсиз хаёллар эса ундан-да учқур. Миллатимиз фахрига айланган фазогир туғилган гўшани; уни опичлаб улғайтирган Батанни кўриш, унинг яқин кишилари билан мусохаба қилиш иштиёқи бизга қанот бағишларди. Назаримизда, учқур хаёлимиз билан мусобақалашаётгандекмиз.

Қамчиқ довонининг қоқ белидаги чойхонага кирганимизда ошпаз йигитларнинг сўхбатига гувоҳ бўлдик. Уларнинг коинотга йўл олган ўзбек ўғлонидан гурурланиб гапиришлари диққатимизни тортди. Йигитлар худди ўзлари осмону фалакка учгандек қувонч билан гапиришар, сўзларида ифтихор, кўзларида гурур алангалангани кўриниб турарди.

Нафақат бу йигитлар, балки йўл-йўлакай кимни учратманг, қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар, ҳамма Солижон эришган муваффақиятдан фахру ифтихор ҳиссини туйётганлари шундоқ сезилиб турарди.

Тоғлар пойидаги қадимий ва навқирон Ўзганнинг Амир Темур кўчасида, фозил шоҳ Бобур Мирзо номли маҳаллада бўлганимизда бу ғурурни янада яққол ҳис этдик... Сўраб-суриштириб, фазогир таваллуд топган хонадонни топдик. Бошқа ҳовиллардан деярли фарқ қилмайдиган, камтарона қурилган хонадон дарвозасини қоқдик. Эшик очилиб, ёшгина келинчақ кўринди. У бизнинг кимлигимизни, қаердан ва қандай мақсадда келганимизни суриштиргани ҳам йўқ. Дарвозанинг иккинчи табақасини очишга уриндик:

-- Қийналмай келдингларми?-- деди хушнудлик билан, кейин қўшиб қўйди: -- Тошкентдан қўнғироқ қилганларингда ўзимиз кутиб олардик.

Солижоннинг болалиги, ўспиринлик ва йигитлик ўй-хаёлларига, қувончу ташвишларига ҳамроҳ бўлган мўъжазгина ҳовлига ҳажжон билан қадам босдик.

Фазогир ўсиб-улғайган хонадонда Солижоннинг худди қўйиб қўйгандек ўзига ўхшайдиган укалари Собитжон, Солижон, Солижоннинг қайнотаси Мавлон ака, божаси Ҳабібулло, жиянлари, янгалари, қўшинлари билан ярим тунгача сўхбатлашдик...

Солижоннинг болалиги, фазогирлар сафига кириш учун чеккан заҳматлари, отаси Шокир ота (у киши ўша пайтда икки ўғли ва қизи билан Америкага -- Солижонни фазога кузатиш учун кетган экан), марҳума онаси, ёшликдаги орзу-умидлари ҳақида сўраб-суриштириб, ўзбек ўғлонининг қиёфасини хаёлимизда кашф этдик...

ОРЗУ УШАЛДИ

Инсон қалбига эзгу-ният қачон ошно бўлади, билмаймиз. Аммо, одатда болаликдаги орзулар инсоннинг юрагидега бир умрга муҳрланади. Рўёбга чиқмаган орзу эса мангу армон бўлиб қолади.

Солижон сомога тикилганча миллираган юлдузлар оғушига интилганда ҳали мактабга ҳам бормаганди. Унинг хаёллари чексиз, орзулари осмон каби бегубор эди. Кундузлари нидий гўмбазли осмон, тунлари гўжгон ўйнаган фалак уни оғушига чорларди. Солижоннинг ҳадеб осмонга тикилавериши, ою юлдузлардан сўзлаши ойназор юрагидега ҳадик ўйготарди. Солижон эса осмонга ошувғалигини кўймасди. Унинг болалигига хос завқу шавқ билан осмонга учиб ҳақида тинмай гапиришларидан қавотирга тушган онасини Солижон шундай юпатарди:

-- Ҳали кўрасиз, ойижон, мен сизни ўз самолётимда осмону фалакка олиб чиқаман. Шундай баланликка чиқасизки, юлдузларни бемалол ушлаб кўрасиз. Ойижон, оини қаранг, юзи доғ бўлган. Сиз унинг юзларини ўз кўлингиз билан артиб кўясиз.

Солижоннинг болаликдаги бу ниятлари амалга ошди, орзулари ушалди. У юлдузлар билан безанган осмон тоқига кўтарилди. Афсуски, ойназор бу кунларни кўролмади. Агар онаси ҳаёт бўлганида ўғлининг муборак Рамазон кунларида осмонга парвоз қилгани, ер шарини худди қафтада ушлаб тургандай кўкдан кузатганини эшитганида қанчалар қувонган бўларди.

Бугун отаси Шокиржон ҳожи абадий айрилиқ ўртаган юрак яраларига Солижон эришган муваффақиятини малҳам қилиб босмоқда. Унинг қалбини энтиктирган қувончини тушуниш, ташвишлардан тошдай осилган бошини сарбалад қилган севинчини ҳис қилиш учун Шокир аканинг шодлигига шерик бўлишининг ўзи етмайди...

Шокиржон ака Солижоннинг америкалик фазогирлар билан коинотга кўтарилишини эшитган кундан ўзини кўржа жой тополмай қолди. Углини фазога кузатиш учун Америкадаги мамлакатга бориш учун анча таралдул қурди. Ўзбек ўзбеклигини кўймас экан-да, Америкага ҳам Ўзганнинг девизларидан, Солижоннинг фазогир дустларига соғва деб Корасувининг олмос пинчоқларини, Андижон дуплиларини, белбоғу чопонларининг энг сараларидан олиб, сафарга ҳозирлик қўрар экан, хаёлида бир фикр чарх урарди: агарда одамнинг нияти холис бўлса, у мақсадига етишиш учун тинмай ҳаракат қилса, Аллоҳ ундай бандасининг орзуларини рўёбга чиқишига йўл очар экан...

ФАХР

Солижонларнинг ён қўшини, маҳалла оқсоқолааридан бири Рўзбой ота ҳикояси:

-- Аллоҳнинг инояти билан етмиш икки йил умр кўрдим. Лекин Солижондек жумард, бир сўзи йигитни асло кўрмадим. Мен бу гапларни у космонавт бўлгани учун эмас, балки ҳавас қилганимдан айтаман. Менинг ҳам худо берган фарзандларим, неварачевараларим бор. Улар ҳам институтда ўқинди, олий маълумот олишди, бир касбининг эгаси бўлиб, оила тебраттишмоқда. Аммо, барибир Солижонга ҳавас қиламан, у билан фахрланаман. У миллатимизни дунёга танитди.

Солижон бизнинг кўз ўнгимизда ўсиб-улғайган. У баъзи тенгдошларига ўхшаб, кўча чангитиб юрмас эди. Қачон қараманг ё китоб ўқиб ўтирган, ёки уи ишлари билан машғул бўларди. Мана шу ўтирган уйимизнинг деворига ишлатилган тувалларни ҳам ўзи куйган эди, акалари билан бирга. Яна у темир-терсаққа ўч эди. Нималарнидир ясар, бузиб ташлар, яна янгитилган ясарди. Доимо нимадир қилишга интиларди. Яна унинг бир хислати -- жуда ширинсухан, одобли, камтар бола эди. Бирон марта бўлсин, овозини баланд кўтариб гапирганини эшитмаганман. Қулидан келганича уртоқларигаям,

бошқаларгаям ёрдам беришга интиларди. Ўзбекка хос энг қадимий урф-одату қадриятлар Солижон тарбия кўрган хонадонда мужассамини топган десам янглишмайман.

ОРИЯТ

Солижоннинг кичик укаси Собитжон ҳикояси:

-- Акам доимо бизни кўпроқ ўқиб-ўрганишга, билим олишга даъват қиларди. Узиям тинимсиз китоб ўқир, биронта рўзнома ва ойномани қолдирмай ўқиб борарди. Таътилга келганда ҳам дам олиш ўрнига ярим тунгача ишлар, жисмоний машқлар билан шуғулланарди, тўпаниб қолган газета-журналларни кўздан кечирарди. Бир кун паст баҳо олганимни эшитиб, қаттиқ хафа бўлган ва ўзи бошидан кечирган бир воқеани айтиб берганди: "Бир кун кутилмаганда паст баҳо олдим. Шунча йил мактабда ўқиб, ҳали "икки" нималигини билмасдим. Тўғриси, ёмон таъсир қилди. Энг ёмони, Насибохон кенноинингдан роса уялдим. (Улар бир синфда ўқиган). Энди унинг кўзига қандай қарайман, қандай қилиб у билан бир синфда ўтираман, деб роса уялганман. Ўша пайтдаги ҳолатимни сўз билан ифода қилиш қийин. Хуллас, токи ўша баҳонимни тўғридаб, ало баҳо олмаганимча Насибохоннинг кўзига кўринолмай, анча вақт мактабга бошқа йўлдан қатнаганман..."

Акам ана шундай ориятли, қатъиятли йигит.

БИР СЎЗЛИ ЙИГИТ

Солижоннинг қайнотаси Мавлон ака Сатқулло ҳикояси:

-- Ҳар бир одам орзу-умид билан яшайди. Аммо, унинг ушаллиши, юзага чиқини учун одамда қатъият бўлиши керак. Солижон ана шундай қатъиятли йигит. У бизга нафақат ён қўшини, балки қўшим Насибохоннинг синфдоши ҳам эди. Лекин ўн йил бирга мактабга қатнаб, бир партада ўтириб илм олган бу ёшлар ўртасида дўстликдан ҳам улгуроқ туйғу борлигини сезмаган эканмиз. Солижон ҳарбий билим юртига ўқишга кетишидан олдин уйга келиб, Насибохоннинг онасига: "Насиба билан аҳду паймон қилганмиз. Худо хоҳласа, у билан турмуш қурамиз", дебди. Биз Солижоннинг отаси Шокиржон ака билан жуда қадрдон эдик. Аммо, фарзандларимизнинг бир-бирга кўнгли борлигини сезмаган эканмиз, эшитиб хурсанд бўлдик. Худога шуқур, мана ўн йилдан буён улар тинч-тоғу ҳаёт кечирмоқда. Солижон қатъиятли, бир сўзли бўлмаганда, қўшим Насибохон бизга юрагини очолмаган ва уларнинг муҳаббатидан беҳабар қолган бўлардик.

У осмонга учгандан бери кўзимдан уйқу ўчган, туни билан ухломмай, радио тўқинларидан космик кема парвози ҳақидаги ахборотларни қидираман. Кема учладиган кун туни билан радиони ўчирмадим. Бутун вужудим қулоққа айлиб, гоҳ радио эшитдим гоҳ телевизор қўйдим. Аммо, парвоз ҳақида бир оғиз гап бўлмади. Кўнглимдан минг хил хаёл ўтди (Икки қитъа ўртасидаги вақт тафовитидан беҳабар эдим). Эрталаб гузарга тушиб, одамлардан суриштирдим. Ҳеч кимдан сало бўлмади. Юрагим гашлигидан ўзимни кўярга жой тополмадим. Яхшиям Абдулатиф деган укамиз келиб хушхабарни етказди. 23 январь кунни кундузи парвоз ҳақидаги репортажни ўзим кўрдим, кейин кўнглим жойига тушди. Ростини айтсам, ўшандан буён сарқуш одамга ўхшайман. Оёғим ерга тегиб юрмайтганим ё қанот боғлаб учаяпманми, ўзим ҳам билмайман.

ЯХШИ НИЯТ

Солижоннинг божаси Ҳабібулло Махсумов ҳикояси:

-- Солижон акам ўзининг ўзбек миллатига мансублигидан, жаҳонга донги кетган буюк аждодларга назира эканлигидан доимо ифтихор қиларди. У космонавтлар отрядига қабул қилинганда кейин оиласи билан Москвадаги Звездний шаҳарчасида яшай бошлашди.

Улар кичиларни Нигорахоннинг ширин тилидан завқланиб юрган кунларининг бирида яна фарзанд кўришди. Барча фазогир дустлари, яқин биродарлари уйга йиғилишиб, Солижон акани муборакбод этишди. Унинг шодлигига шерик бўлган дустлари чақалоққа исм қўйиш ҳақида баҳслашишди. Кимдир буюқ фазогирлар исмини, яна кимдир уетозлари исмирани муносиб қўришди. Шунда ўзбекистонлик фазогир Владимир Жониев: "Йигитлар мен Солижонни яхши кўради. У барча ўзбеклар каби ўз аждодлари билан фахрланишни яхши кўради. Шунинг учун кичик фазогирга Солижоннинг буюк бобокалонни Амир Темурга нисбат бериб Жаҳонгир исмини қўямиз. Худо хоҳласа, у ҳам улғайганда отаси каби фазогир бўлади."

Солижон акам қаерда бўлмасин, ўзбеклигини, урф-одатларимизни унутмайди. Шунинг учун Жаҳонгирни Москвадаги жоме масжидига олиб бориб, унинг имоми Султонмурод Ҳожига азон айттирган, Звезднийда ўғли шарафига ош берган.

МАТОНАТ

Солижоннинг яқин биродарларидан бири Қодиржон ҳикояси:


-- Солижон акадаги матонатни унинг асосий фазилатларидан бири деб биламан. У буюк бобокалонимиз Амир Темурни, айниқса, унинг матонатини кўп гапирарди. Марказий қушаларимиздан бирига Амир Темур номи берилганда, буюк Жаҳонгирнинг кутлуг 660 йиллиги нишонланган кунларда Солижон ака беҳад қувонган эди.

Солижон ака ўша муборак кунларда боболар руҳи маладжор бўлиб, орзулари ушалаётгани тўғрисида тўлиб-тошиб гапирганди. "Менинг яна бир орзум бор,-- деганди ўшанда Солижон ака. -- Худо хоҳласа, Ўзганнинг энг баланд жойига соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг улдувур ҳайкалинини олиб келиб, ўрнатаман. Токи, ул ҳазрат биз каби набираларига юртни адул қарам, илму ҳикмат билан бошқаришининг мақсад йўлида матонат билан курашининг тимсоли бўлиб турсин..."

ҚУВОНЧ ЁШЛАРИ

Солижонга сабоқ берган Рашида Кабирова Соколова ҳикояси:

-- Солижоннинг мактабини тугатганига ўн етти йил бўлди. Энди тасаввур қилиб кўраверинг: унганча ва ундан кейин қанча бола мактабини



Курсант Солижон Шарипов



Фазогир ўқиган мактаб ўқувчилари харитадан Флорида штатини излашмоқда



Болалиқни улғайтган мактаб



Маҳаллада дув-дув гап: "Ўзимизнинг Солижон фазогир бўпти".

тугатиб кетган. Лекин уларнинг ичидега Солижон ўзига хос хислатлар билан ажралиб турарди.

Уларнинг оиласида илму фанга, ўқиб-ўрганишга иштиёқ кучли. Мен унинг опалари ва укаларини ҳам ўқитганман. Шу боис бу оилани яхши биламан. Айниқса, Солижонни. Чунки, у ўқини тугатгандан кейин ҳам мактаби, ўқитувчилари билан алоқани узмаган. Ҳарбий билим юртида ўқиб юрганида, фазогирлар сафига қўшилганидан кейин ҳам ҳар сафар таътилга келганида мактабда бўлар, биз билан учрашишга вақт топарди. Мен уларга физика ва астрономиядан дарс берганман. Солижон бу фанларни аълога ўқирди. Яхши ўзлаштиролмаган ўртоқларига ҳам ёрдам берарди.

Марказдан узоқдаги шаҳарчада, оддий ўзбек оиласида туғилиб, воята етган бу йигитнинг ҳаёти барча ёшларга ибрат бўлади. Унинг қисқа бўлса-да, аммо машаққат ва қувончларга тўла ҳаёти ҳар бир инсон мақсад сари интилса, албатта унга эришажигидан далолатдир. Ундаги сабр-тоқат, ғайрат ва эртанги кунга бўлган сўлмас умидларига ҳар бир инсон, ҳавас қилса арзийди. Илоё, Солижонни ёмон кўзлардан асрасин!

Солижонга фалақит сирларидан сабоқ берган Рашида онанинг кумушранг сочларига боқиб туриб, биз ҳам Аллоҳдан шунини тилдик.

Ўзгандан Тошкент сари отланарканмиз, фазогир қадами теккан охиёнларни бир-бир кўздан кечирдик. Фазогир таваллуд топган кўчани аини шу кунларда туғилганига 515 йил тўлган Бобур Мирзо номида эканлигини ёд этиб, у ҳазратнинг руҳи ҳам ўз қавмидан фазогир чиққанига шод бўлаётган бўлса керак, деган уйга бордик. Зеро, боболар руҳи улғу мақсадлар йўлида ҳаминша бизга ёрди.

А.ФОЗИЛОВ,
Т.ҚУРБОНОВ, А.ГЕРАСИМОВ (суратлари),
"Туркистон" мухбирлари,
Ўзган -- Тошкент



Соғлом авлод учун

Кейинги йилларда мамлакатимизда инсон саломатлиги йўлида бир қатор ишлар амалга оширилди. Шулардан бири оммавий кўнглили жисмоний тарбияни шакллантириш, спортни ривожлантиришдир.

даражадаги мусобақалар мунтазам ўтказиб борилади. Кўнглили спортчиларимизнинг ўз маҳоратларини намойиш этишлари учун икки йиллик тайёргарлик ишлари ҳам йўлга қўйилган.

Республика болалар ва ўсмир ёшлар кўнглили спорт мактаби тарбияланувчилари Бельгияда ўтказилган жаҳон кубоги учун беллашувларда эшак эшиш бўйича биринчи босқичда қатнашиб яхши натижаларни кўлга киритдилар ва учта кумуш медалга сазовор бўлди.



Кўнглили жисмоний тарбия ва спорт жамияти-мизнинг аъзолари мамлакатимиз sanoat korxonalarida mehnat qilayotgan kishilar, ularning farzandlari -- maktab ukuvchilari, talaba oshlari. Albatta, har bir kishining ishdan eki uqishdan keyin bosh vaqti

завор бўлиши. Андижон, Фаргона, Тошкент вилоятлари ва пойтахтлик спортчилар сува сузиш ҳамда узоқ масофага тош иргитиш мусобақаларида биринчиликни олишди. Республика болалар ва ўсмирлар кўнглили спорт клубининг уч бўлинмаси жамоалари ҳам беллашувларнинг голиблари

Республика ёшларнинг "Камолот" жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказилган "Саломатлик", "Универсиада", "Ирода", "Галаба" сингари оммавий мусобақаларда яхши натижаларга эришдик. Хотин-қизлар, талаба ёшлар ва мактаб укувчилари ўртасида ўтказилган шахмат-шашка, арқон тор-

жамиятимиз кўнглили фаолият кўрсатаётган клубларимизда 5 мингдан ортиқ киши жисмоний тарбия билан шуғулланмоқда. 133 сингари оммавий мусобақаларда яхши натижаларга эришдик. Хотин-қизлар, талаба ёшлар ва мактаб укувчилари ўртасида ўтказилган шахмат-шашка, арқон тор-

БИЗ КЎП ИШЛАРГА ҚОДИРМИЗ

Азал-азалдан шундай: кўшиқчилик, санъат асарлари юрт таллашди. У фақат юраккагина бўйсунди. Юракни - юракка боғлайди.

"Камолот" жамғармаси, "Ўзбекино" давлат хиссадорлик жамияти, Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашилари ҳамкорликда ўтказилган "Ҳиндистон ёш киноусталарининг фестивали" мана шу сўзларни яна бир бор исботлади.

Фестиваль тугатганига анча бўлган бўлса-да, турли вилоят ёшларидан "Камолот" номига ёзилган миннатдорчилик мактублари келиб турибди, дейди бошқарув раиси ўринбосари Қаҳрамон Куронбоев.

Энг қувончлиси биз бу фестиваль билан ёшларни яна театрларга қайтара олдик. 1997 йилнинг 10 декабда Тошкентда янграган фестиваль савдодари 1998 йилнинг 21 январига республиканинг чекка туман-у қишлоқларига етиб борди. Бизнинг мақсадимиз битта эди. Фақат шаҳарликлар учун эмас, балки катта кучга айланган қишлоқ ёшлари учун ҳам имкониятлар яратилди. Шу боис фестивалнинг тантанали очилиш маросими Бухорода ўтказилди. Фестивалда 240 мингдан ортиқ ёшларимиз иштирок этишди. Барча харажатларни ҳомийлар тўлашди. Вилоятликлар ҳам бу фестивални кўнглили ўтишида қўлларидан келганча ёрдам беришди. Айниқса, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонасининг ходими Кватра жанобларининг хизматларини алоҳида таяккиллаш лозим. Шарқшунослик институти 4-курс толиби Музаффар Мирозовнинг фильмларни ҳинд ва рус тилидан ўзбек тилига ўйратган гўзал таржималари кўпчиликамга маъқул келди. Бир сўз билан айтганда биз -- ўзбек ёшлари неларга қодирлигимизни намоян этдик.

Фурсатдан фойдаланиб "Камолот" ни қўллаб-қувватлаган, фестивални ўтказишда яқиндан ёрдам берган жойлардаги раҳбарларга миннатдорчилик мизини билдирмоқчиман. Фестиваль якуни топди. Аммо, у қолдирган из ҳали-бери сўнгани йўқ. Зеро, "Камолот" жамғармаси бошлаган бу ҳайрли тadbир гузаллик 70 ёшли Ҳусайн бобо айтганидек: "...Отамни бoльшeвeклар сургун қилганди. Ҳар тонг унинг келишини сўраб илтижо қилардим. Бир куни қалин қор ёғди. Айтишди, агар тоққа чиқадиган йўлнинг қорини курасанг савобинг кўпаяди, кейин отанг келади. Қор ёғса доим бу сўқмоқни савоб учун тозалайдиган бўлдим...

"Камолот" нинг бу иши ҳам муштақиллигимиз учун қилинган бир савоб ишдир".

ЛАЙЛО, "Туркистон" мухбири

Миср Африка қитъасининг шимоли шарқда жойлашган бўлиб, мамлакат аҳолиси 59,5 миллион кишини ташкил этади.

Ислom маданияти обидаларига келсак, Миср мелодий 640 йилда Халифа Амр ибн Ал-Ос томонидан забт этилган, ислom дунёсининг биринчи пойтахти сифатида Қоҳира шаҳрига асос солинди. Уни "Минг минора" шаҳри, деб ҳам аташди. Чунки унда шу миқдордаги масжид мавжуд бўлган ислomий пойтахтдир. Масжидлардан энг улканлари Ал-

НИЛ ДАРЭСИННИНГ ТУҲФАСИ

фи Герадот айтганидек, Миср -- Нил дарёсининг башарията қилган туҳфасидир. Мисрда фиръавн, юнон, рум, коит ва Ислom даврига оид маданиятлар, ўз даврига тааллуқли сон-саноксиз диққатга сазовор ёдгорликлар, қалам-жо ва зиёратгоҳлар мавжуд ва шу сабабли бу қадимий ўлкани бутунича улкан очик музейга қийслаш мумкин.

Азхар, Ал-Ҳусайн, Ибн Тулун, Амр ибн Ал-Ос, Салоҳиддин қалъаси, Муҳаммад Али масжиди, имом Ар-Рифоий масжидларини ва бошқаларни тилга олиш мумкин. Миср ўзининг кейинги тараққиёти босқичларида бир қатор ҳозирги замон меъморий ва маданият ёдгорликлари билан ҳам бойиған. Булардан энг йириклари Миср таълим ва маданият маркази, Қоҳира халқаро анжуманлар маркази, Миср панорамаси, Қоҳира минораси, Қоҳира телеминораси. "Овоз ва ёғду" тамошагоҳи, Миср ерости йўли-метро ва бошқаларидир.

Шунинг учун бўлса керак, Мисрни зиёрат қилгани келган сайёҳлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Дунёнинг кўп ерларида бўлиб ўтгани каби баъзи террорчилик харажатлари бу замин тупроғида ҳам ўз изини қолдиришга харажат қилган бўлса-да, Мисрга келувчи сайёҳлар сони камайгани йўқ. Чунки, бу азим юрт неча-неча асрлардан бери ўзининг тарихий обидалари билан башариятни лол қолдириб келмоқда.

Юқорида айтиб ўтилгандек, кейинги йилларда Мисрда йилга 4 миллионга қадар сайёҳлар ташриф буюрмоқдалар. Бунга сабаб Мисрда саёҳат масканларининг кўплиги бўлса, иккинчидан Мисрни ҳозирда "Ўлкан саёҳат маскани", деб аталиши ҳамдир. Бу борада етакчи ўринни Қизил денгиз ва унинг атрофидаги қирғоқ минтақалари эгаллайди. Денгиз ўзининг тоза, сокин ва илқ шифобахш суви билан ажралиб туради. Сув тағидидаги маржон шодалари кенг майдонларга ёйилган бўлиб, денгиз ҳуснига-хусн қўшади. Даволаш илмининг асосчилари бўлиши юнон улаомлари ўз рисолаларида Мисрни улкан шифо маркази, дея таяккиллаганлар.

Мисрда фиръавнлар давридан Қоҳирадан узоқ бўлмаган Ал-Гиза минтақасида жойлашган Хуфу (Хеопс), Хефрин ва Макра (Менкаура) -- уч эгизак аҳромлар, Абул-Ҳавл Миср сфинксини сақлаиб қолган. Булардан ташқари ўша даврга оид пиллапоё шаклидаги аҳром (Сақкара минтақасида), Дахшур минтақасидаги аҳромлар, Луксордаги Луксор ибодатхонаси, Ал-Карнак, Илох Амун ибодатхоналари, шу ердаги шохлар водийсидаги Нифертари мақбараси, малика Хатшебулт, Рамзес-III ва Ар-Рамсиум ибодатхоналари мавжуд. Санаб ўтилганлардан ташқари Асвонда Абу Сумбул, Рамзес-II ибодатхоналари диққатга сазовордир. Қоҳирадан бор-йўғи 120 км. узоқликда жойлашган Синай ярим ороли Оснэ қитъасига киритилади. Бу ерда Қизил денгизнинг шарқий қирғоқларида зиёратчи-сайёҳлар учун бутун қулайликларга эга бўлган қўллаб қурортлар мавжуд. Қоҳиранинг шимоли гарбида, пойтахтдан 210 км. узоқликда, Урта ер денгизи қирғоғида жойлашган Ал-Искандария (Александрия) шаҳрида рум ва юнон маданиятига оид "Қора бoш" ибодатхонаси, суворийлар тимсоли акс эттирилган тош устуллар бор.

Шифобахш чашма ва манбалар силсиласида Ас-Сира, Абу Ас-Сабул, Ал-Файумдаги Ас-Силин, Ас-Сувайш қўрғазини гарбий қирғоғидаги "иссиқ сув" чашмаси, Ал-Вахотдаги "Ал-Харга" (Хургада), "Ал-Дахла", "Саййух", "Ал-Каттара", "Ал-Натрун", жанубий Синайдаги "Муса", "Хамаат фиръавн" қабилар муҳим ўрин тутади.

Мақсуд Абдуллаев, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти катта ўқитувчиси

МИНИКШИ

бўлади. Бу пайтда яхши хордик чиқаришнинг бoш манбаи спортнинг бирон тури билан узлуксиз шуғулланишдир. Бунинг учун биз барча шарт-шароитларни яратиб берганмиз.

Утган йили бу соҳада муайян ютуқларни қўлга киритдик. Мухлисларимиз

деб топилди. Т.Маматқулов бошчилигидаги ёш спортчилар олимпиаданинг юқори шохсупасини эгалладилар. Шу ўринда болалар ва ўсмирлар кўнглили спорт клуби ҳақида икки оғиз гапириб ўтмоқчиман. Бу ерда 27 нафар тажрибали педагог-мураббий меҳнат қилади. Улар-

тиш, сува сузиш, баскетбол ва волейбол, айниқса футбол мусобақалари кўнглили спорт жамиятимиз қўлга киритган ютуқлардан, деб айтсам адашмайман. Айниқса, Марказий Оснэ минтақасидаги спорт беллашувларида вакилларимизнинг фаол иштирок этганлиги қувонарлидир.



Узлари кўпроқ қизиққан спорт турлари бўйича мунтазам шуғуллана бoриб, республика миқёсидаги беллашувларда ҳам қатнашдилар. Натига чакки бўлмади, юқори совринли ўринларни эгалладилар. Масалан, қадимий шаҳарларимиз Хива ва Бухоронинг 2500 йиллигига бағишлаб ўтказилган олимпиадада мингдан ошк кўнглили спортчиларимиз қатнашиб, қимматбаҳо совринларга са-

нинг кўпчилиги олий маълумоти ва малакали спортчилардир. Мазкур жамоа Тошкентдаги Алишер Навоий номили миллий боғда, Анҳорда, Чирчиқдаги сузиш хавзасида, Фарғонанинг "Нефтич" спорт базасида, Каттакўрғон ҳамда Бекобод шаҳарларидаги спорт иншоотларида машғулотлар ўтказди. Мазкур спорт клубларида узоқ масофага тош иргитиш, эшакка эшиш машғулотлари ҳамда юқори

ўтказилган касаба уюшмалари спортчиларининг Марказий Оснэ миқёсидаги мусобақаларида 57 нафар киши теннис, снигл атлетика бўйича 3-ўринни эгаллади, 2-ўрин учун 23 та медал ҳамда 3-ўрин учун 19 та медални қўлга киритишга муваффақ бўлишди. Бундай ютуққа эришишда клубимиз мухлисларидан Е.Квитковская, В.Серенко, Г.Орузманова, Р.Диганшина сингари спортчиларимизнинг ҳиссаси каттадир.

Божхонадан хабар "ИХТИРО"СИ ЎТМАДИ

Сирларё вилоятининг Ширин шаҳрида яшовчи И.Филатов эса валютани ноқонуний равишда четга "оқизиш"нинг янги усулини "кашф" этишга беҳуда уринибди. У Қозғоистон Республикасининг Павлодар вилоти, Ермак шаҳрида яшовчи таниши А.Перминов номига посылка йўллаб, унинг ичига божхона баённомасида кўрсатилмаган 4520 қозоқ тангасини солиб юборди. У афтидан, "шу ерда туриб посылка-посылка пул

жўнатаверман, ҳеч ким билмайди", деган хом хаёлга борган қўринади. Лекин, у почта орқали жўнатилган посылкалар ҳам божхона назоратидан сиччиқлаб ўтказилишини билмас экан. 1997 йилнинг 4 ноябр кўни Тошкент шаҳар божхона бошқармасига қарашли 6-маскан ходимлари халқаро почтамадлага текширувида юқоридagi "тадбиркорлик" ни сезиб қолдилар. Ҳа, шаҳар бедарвоза эмас!

Мирқарим МИРСОВУРОВ, Республика Давлат божхона қўмитаси бўлим бошлиғи

Пулини тўланг - омадингиз келади

Наманган вилоти телефон тармоғининг юзлаб абонентлари алоқа хизмати учун вилот марказида ишлаб турган «Наманган-телекомтармоқ» ҳамда «Наманган-телеком» акциядорлик жамиятининг туман филиалларига олдидан ҳақ тўлаб қўйишнинг афзаллигига ишонч ҳосил қилди. Бу жамиятлар алоқа хизмати ҳақини вақтида тўлайдиган абонентлар ўртасида лотерея ўйини ўтказди.

лотереяда ярим йиллик ҳақни олдидан тўлаган телефон эгаларидан ташқари, алоқа хизмати ҳақини бир ой олдидан тўлаган корхона ҳам иштирок этди. Уинда жами тўрт ярим мингдан ортиқ абонент қатнашди. Голибларга соврин сифатида телефон аппа-

ратлари, бошқа кўпгина қимматли совғалар берилди. Ютуқларнинг кўп қисми телефон алоқасидан хуеусий телефон эгалари учун ярим йил ва корхоналар ҳамда ташкилотлар учун бир ой текин фойдаланиш имтиёзидан иборат. Дебиторлик қараларининг кескин камайиши лотереянинг асосий якуни бўлди. Эндиликда бундай тadbирни мунтазам ўтказиш қўзда тутилмоқда. Навбатдаги лотерея ўйини Наврўз байрами арафасида ўтказилади. Унда совринлар сони янада кўп бўлади.

Н.ХҲҲАЕВА, ЎЗА мухбири

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ томонидан газеталарда 1998 йил 31 январда берилган эълондаги Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер участкаларининг баҳоси 224 449 сўмдан 864 849 сўмгача (ҳар бир ер участкасининг майдони 0,04 гадан) деб ўқилсин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ Абдулла Қодирий кўчаси 13-уй, I-қават, I-хона. Телефонлар: 144-44-72 144-44-73

Муассис: УЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

ТАХРИРИЯТ: Кабулхона - 136-56-58, 133-95-97; хабар бўлими - 136-54-64; тизмалар бўлими - 133-79-69; ижодкор бўлими - 136-54-64; спорт хабарий ватапайварлик бўлими - 136-58-93; котибият - 136-58-48.

Манускрипти: Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Дизайн устаси: С.ФАЙЗУЛЛАЕВ